

**"Ғалла-Алтег" АЖ**  
**2023 йил ярим йиллик натижалари бўйича молия-хўжалик**  
**фаолияти текшируви бўйича ички аудитор Ҳисоботи**

Тошкент

1 август 2023 йил

Аудитни бажарувчилар:

"Ғалла-Алтег" АЖ ички аудит хизмати аудиторлари: Мирханов М.А. ва Михайлов А.В.

Ҳисоботни олувчи : "Ғалла-Алтег" АЖ кузатув кенгаши.

Корхонанинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини 2009 йилдан бери олиб бормокда.

Аудит ҳисоботи 2023 йил биринчи ярим йиллик натижалари бўйича қилинган.

**1. Кириш қисми.**

Ички аудит хизмати АЖ "Ғалла-Алтег" кузатув кенгаши №-5 сонли Протоколи билан 25 июль 2008 йилдан тузилган.

АЖ "Ғалла-Алтег" асосан Яшнобод тумани Элбек кучаси 37 уйда жойлашган.

АЖ "Ғалла-Алтег" "Комбинат хлебопродуктов №1" давлат корхонасидан Давлат мулк қумитасидан очик турдаги акциядор жамиятига айлантирилган.

Корхонанинг ички аудит хизмати камида иккита аудитордан ташкил топган бўлиши керак. Амалда бу талаб бажарилган.

Корхонанинг устав жамгармаси 639 863,3 минг. Сумни ташкил этади. Улушлар қуйидагича тақсимланган: АК Уздонмахсулот- 51%; 49% - юридик ва жисмоний шахслар.

Акцияларни номинал қиймати 250 сум. Акциялар сони 2 559 453 дона.

Корхонанинг асосий фаолияти ОКОНХ 19211 Ун элаш ишлаб чиқариши.

**2.Тасдиқланган бизнес-режани бажарилиши.**

Бизнес-режа АО "Ғалла-Алтег" корхона кузатув кенгашининг «11 ноябрь» 2022 й . (Баеннома №8 ) билан тасдиқланган.

Бизнес-режа ўзбек тилида тузилган.

Бизнес-режа қуйидаги тартибда тузилган. Корхонани умумий тавсифномаси берилган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, ишлатилаётган хом аше, етиштирувчилар, маркетинг ва хо казолар тавсифномаси еритилган.

Ишлаб чиқариш қувватлари тахлили, технологик жараенлар ва харажатлар, корхонани бошқариш кадр сиесати ва умумий молиявий ахволи берилган.

Барча кўрсаткичлар бўйича режа кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Бизнес-план кўрсаткичлари чораклар бўйича кўрсатилган.

(Мехнат, иш хақи, электроэнергия, табиий газ, ичимлик суви).

Соф тушум кўрсаткичлари бўйича 2023 ярим йиллик йил учун 192 266 554 м.с. амалга оширилган. Бултурга нисбатан (140 300 622 т.с.) кўпайиш 137 % ни ташкил этди.

Бизнес-режага нисбатан куйидагиларни кўриш мумкин. Соф тушум бизнес-режа бўйича 194 099 064 м.с. килиб белгиланган.

Яъни **соф тушум режаси 1 832 510** м.с.га кам миқдорни ташкил этди бу эса бизнес-режадан 0,9 % га кам.

Сотилаётган махсулот таннархи 187 234 000 м.с. ни ташкил этди.

Бизнес-режада бу кўрсаткич 175 104 551 м.с. Лекин бу кўрсаткични динамикасини кўрсак 2022 йилда уни қиймати 131 888 406 м.с. ни ташкил этган. Яъни махсулот таннархи ошган.

Соф тушумни 1 сумига тўғри келган харажатлар 97 тийинни ташкил этган.

**Бизнес режада 90 тийин килиб белгиланган. Яъни амалдаги ишлаб чиқариш таннархи соф тушум қийматида бизнес режага нисбатан ўсган.**

2022 йил ҳам бу курсаткич 96 тийинни ташкил этган эди.

**Яъни 2023 йил иккинчи чорагидан бошлаб махсулот таннархини 1 сум соф тушумга нисбатан 90 тийинга эришишга интилиш тавсия этилади, акс холда бизнес-режа асосий кўрсаткичларидан бири бажарилмай қолади.**

Баланс бўйича 2023 йил ярим йиллик тақсимланмаган фойда 8710 счегда 53 800 995 м.с. ни ташкил этди. Йилнинг бошига бу кўрсаткич 57 542 315 м.с. ташкил этган эди.

Баланс қийматлари ҳамда сальдо-айланма ведомости билан узаро фарк аниқланмади.

Баланс ҳисоб рақамларини қаердан келгани сальдо-оборот ведомости қолдиқлари билан тасдиқланади.

Бизнес-режа кўрсаткичларини харажатлар бўйича куйидагиларни кўриш мумкин.

Бизнес-режа бўйича сотиш, маъмурий ҳамда бошқа операцион харажатлар кўзда тутилган.

Амалда давр харажатлари 49 132 974 м.с. ни ташкил этган.

Бизнес-режа бўйича 12 360 532 м.с.

Маъмурий харажатлар 2 925 143 м.с. Бизнес режада 2 905 383 м.с.

Бошқа операцион харажатлар 5 472 897 м.с. ни ташкил этди.

Бизнес режада 8 939 667 м.с. килиб белгиланган.

Сотиш харажатлари 734 934 м.с. амалда ташкил этди. Бизнес режада 515 483 м.с.

Корхона соф фойдаси урнига зарар хосил булган -3 317 014 м.с. ни ташкил этди. Бизнес-режа буйича 777 638 м.с. килиб белгиланган.

Шундай қилиб бизнес-режасининг асосий кўрсаткичи буйича (соф фойда) корхона мақсадлари амалга ошмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки 2023 йил ярим йиллик корхона ижроия органи бизнес-режада белгиланган кўрсаткичларни **амалга оширган, бироқ асосий кўрсаткич соф фойда буйича сусткашлмк кузатилмокда.**

### **3.Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилинишини текшириш.**

Корпоратив бошқарув принциплари бу акциядорлар ва уларни корпоратив структураларини фойдани мақсималлаштириш мақсадида акциядор жамоасини самарали бошқариш қобилиятига айтилади.

### **4.Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби тизимини ва назорат муҳитини текшириш.**

Хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими қуйидагиларни ўз ичига олишини инобатга олиши лозим: а) бухгалтерия ҳисоби тизимини; б) назорат муҳитини; в) алоҳида назорат воситаларини.

Нazorat муҳити деганда, хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг ички назорат тизимини белгилаш ва ушлаб туришга йўналтирилган амалий ҳаракатлари ва хабардорлиги тушунилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) мазкур хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг асосий тамойилларини;

б) хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий тузилмасини;

в) ишчиларнинг ваколати ва жавобгарлигининг тақсимланишини;

г) амалга оширилаётган ходимлар сиёсатини;

д) ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш тартибини;

е) ҳисоб-китоб сиёсати, ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини;

ж) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг умуман қонунчиликка мослигини.

Бу масалалар қуриб чиқилиб камчиликлар қурсатилиб улар бартараф этилди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг самарали таркибий тузилиши ишчиларнинг ваколати ва мажбуриятларининг тақсимланишини назарда тутди. У алоҳида шахслар томонидан назорат талабларининг бузилишининг олдини олиши ва ўзаро боғлиқ бўлмаган вазифаларнинг бўлинишини таъминлаши лозим. Ишчининг функциялари, агарда уларнинг битта шахсда мужассамлашганлиги тасодифий ёки қасддан хатоликка йўл қўйилишига олиб келса, ҳамда шундай хато ва камчиликларни аниқлашга қийинчилик туғдирса, у ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳисобланади. Одатда қуйидаги функциялар турли шахслар ўртасида тақсимланиши лозим:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг мулкига (активига) бевосита киришга йўл қўйиш;

- б) хўжалик операцияларини амалга оширишга рухсат бериш;
- в) хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

Ички назорат тизимининг самарали амал қилиши, шунингдек тегишли фаолиятни юритиш юклатилган ишчиларга ҳам боғлиқ. Ходимларни танлаш, ёллаш, лавозимини кўтариш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизими тегишли ходимларнинг малакасининг юқорилигини таъминлаши лозим.

Ушбу тизим йулга қуйилмаган ва оксокланиб бораяпти.

Биз корхонанинг назорат воситалари қуйидаги мақсадларга эришяётганлигига ишонч ҳосил қилишимиз лозим эди:

а) хўжалик операциялари барча ва алоҳида ҳолларда раҳбариятнинг розилиги билан амалга ошириляётганлигига;

б) бухгалтерия ҳисобида барча операциялар хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ тўғри суммаларда, бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларида, тўғри вақт даврида акс эттириляётганлигига ва ишончли молиявий ҳисобот тайёрлаш имкониятини таъминляётганлигига;

в) активларга кириш фақат тегишли раҳбариятнинг рухсати билан йўл қўйиляётганлигига;

г) бухгалтерия ҳисобида қайд қилинган ва ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар мувофиқлиги белгиланган даврларда ваколатли шахслар томонидан аниқланаётганлигига ва фарқлар аниқланган ҳолларда эса раҳбарият томонидан тегишли чоралар кўриляётганлигига.

У еки бу кўринишда юқорида кўрсатилган масалалар корхона тарафидан амалга оширилган. Бироқ корхона раҳбарияти бу борада ишлар олиб бормаяпти ва бу масала режа асосида йулга қўйилмаган.

Бухгалтерия тизимини кониқарли деб айтиш мумкин. Ҳисоб-китоб компьютерлаштирилган. Корхонада ҳисоб-китоб сиёсати мавжуд ва у хар йили янгиланади. 1-С Бухгалтерия системасига 2019 йилда ўтилди.

Корхонанинг ички назорат тизимини кучайтиришда ташқи аудит самарали ердан беради.

Бухгалтерия Ҳисоб рақами текширилганда қуйидагилар аниқланди.

Асосий воситалар ҳисоб рақами БХМС (Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти”) №5 асосида олиб борилади. 2023 йил ярим йиллик бошида асосий воситаларининг бирламчи қиймати қолдиги 53 857 328 м.с.ни ташкил этган.

Ҳисобот даври охирига эса 55 148 785 м.с. ни ташкил этди.

Дебет бўйича айланмалар 1 970 096 м.с. Кредит бўйича айланмалар 678 639 т.с.

0600 ҳисоб рақами бўйича инвестициялар 4 334 492 м. сумни ташкил этди. Йил бошига 4 334 492 м. сум эди.

Йил бошига хом-аше ва материаллар бўйича қолдик 98 215 039 м. сум. йил охирига қолдик 109 948 709 м. сум.

Берилган қарзлар бўйича ходимларни қарздорлиги йил охирига 104218 м.сумни ташкил этди.

Тайер махсулот қолдиклари динамикаси 7833638 / 2 139 691 т. сум. Яъни қолдиклар 366 % га пасайган.

Шу билан бирга соф тушум динамикасини курсак у 0,9 % камайган.

Бошқача қилиб айтганда соф тушум деярлик узгармаган таъер махсулот қолдиклари эса камайган.

Бу ҳолат айланма маблағларни айланиши фаоллашганидан далолат беради.

1 январь 2023 йил ҳолатига қорхона дебиторлик қарзи 39 022 270 м. сўм ни ташкил этди. ярим йиллик охирига дебиторлик қарзи **камайди** ва қиймати 37 146 148 м. сум. Муддати ўтган қарзлар бўйича даъво аризалари ҳамда бошқа таъсир чоралари кўрилаяпти.

Шу жумладан тизимга тегишли бўлган дебиторлик қарзлар 10 686 384 м.с. га камайган йилнинг бошига 15 218 942 сум эди.

Бюджетга туланган бунақлар 13 686 120 м.с. ни ташкил этган ва йилнинг бошига бу қиймат 4 233 693 м.с. эди.

Махсулот ва хизматларга берилган бунақлар 17 621 171 м.с. лик йил бошига булган. Хисобот даври якунига эса 8 168 297 м.с. бўлди.

Қорхонанинг пул маблағлари йил бошига 7 011 722 м.с. булган булса ҳисобот даври охирига 1 023 147 м.с. бўлган.

Қорхонанинг мажбуриятлари таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди:

Жорий мажбуриятлар 101 158 949 м.с. дан 109 764 611 м.с. га ўсган.

Бу ҳолат қорхонага юқори ликвид жорий айланма маблағлари етишмаслигидан далолат беради. Бундай ҳолатни сабаби юқорида таҳлили қилиниб қурсатилган.

Ақсиядорлар олдида қарз йил бошига 10 787 479 ни ташкил этади. 1 июль 2023 ҳолатига 5 615 298 м.с. ни ташкил этди. Яъни ақсиядорлар олдида қарз 50% га камайган. Бу ҳолат ижобийдир.

Олинган бунақлар 113 207 м.с. Уни миқдори камайган. Йил бошига 161 041 м.с. бўлган.

### **5. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги текшириш.**

Қорхона 2023 йил ярим йилликда белгиланган тартибда қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширган:

Қорхона Қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) устама қийматидан, бўғдой бўйича, ун ва бошқа қўшимча махсулот бўйича ҚҚС.

ҚҚС қуйидаги миқдорда ҳисобланган 9 998 282 м. с.

Мулк солиғи 2 % қуйидаги миқдорда ҳисобланган 304 698 м.с.

Фойда солиғи 15 % ҳисобланган 0 м.с. Зарар қурган.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун куйидаги миқдорда ҳисобланган (Белгиланган ставкада) 59 267 м.с.

Ер солиғи (Белгиланган ставкада) 787 696 м.с.

Ягона ижтимоий тўлов 2 063 362 м.с. миқдорида ҳисобланган.

Ҳисоб-китоблар хатоларни аниқламади.

#### **6. Активларни инвентаризациясида иштирок этиш.**

Корхонани активларини сақланишини текшириш ички аудит хизмати ходимлари маъсулиятига киради. Корхона активларини инвентаризациясида аудиторлар **кузатувчи** сифатида иштирок этишади.

Корхонада Буйрук асосида инвентаризация комиссияси ташкил этилган.

Инвентаризация хужжатларини ноябрь ойида кўриб чиқилади ва йиллик натижалари тегишли хужжатларда акс эттирилди.

#### **7. Аудитории малакасини ошириш.**

Аудитор Ички аудит хақида йўриқномаси асосида хар йили малакасини ошириши шарт. Декабр ойида бу иш амалга оширилган.

#### **8. Ички аудит хизмати тизимини такомиллаштириш омиллари.**

8.1. Ички аудит хизматига алоҳида хона ажратиш.

8.2. Хужжатларни кўриш имкониятларини мавжуд этиш.

8.3. Бухгалтерия ҳисоби тизимининг компьютер системасини кузатиш имконини бериш.

#### **9. Хулосалар ва “Galla-Alteg” АЖ молиявий-хужалик фаолиятини такомиллаштириш буйича тавсиялар.**

Корхонанинг ижроия органи 2023 йил ярим йилликнинг бизнес-режада белгиланган курсатгичларни бажаришга ҳаракат қилган. Бирок соф фойда буйича план бажарилмаган.

Корхонанинг молиявий-хужалик фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида молиявий режалаштириш масалаларига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Корхона маҳсулотини таннархини пасайтириш усулларида бири бу корхона ишлаб чиқариш ҳажминини оширишдир. Шунда доимий харажатлар миқдори 1 сум маҳсулот ишлаб чиқаришига нисбатан камаяди.

Корхона ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайиб кетишга қарши тадбирлар ишлаб чиқиши зарур.

**Ички аудит хизмати  
раҳбари, и.ф.н.**



**Мирхонов М.А.**